

Зотур риқоъ ғазоти ва икки саҳобанинг исломга кириши



06:03 / 29.08.2021 3153

«Зотур риқоъ» сўзи луғатда «ямоқли» деган маънони билдиради. Айрим тарихчиларнинг фикрича, бу ғазот иштирокчилари оёқларига латталарни боғлаб олганлари учун шундай аталган.

Ушбу юришни уюштиришдан асосий мақсад «Биъру Маъуна»да ўлдирилган етмишта саҳобийнинг ўчини олиш, мусулмонларнинг кучи борлигини душманга кўрсатиб қўйиш эди.

Ғатафонликлар ҳам жуда кўп одам тўплашган эди. Икки томон бир-бирини қўрқитиш учун баъзи бир ҳаракатлар қилдилар-у, аммо уруш бўлмади. Мусулмонлар душман билан юзма-юз турган ушбу ғазотда хавф намозини ўқидилар. Бу ғазот рабиъул аввал ойида бўлиб ўтди.

Амр ибн Ос ва Холид ибн Валиднинг исломга кириши

Бу икки шахс Мадинага, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келишди. Улар билан бирга Усмон ибн Талҳа ҳам бор эди. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида мусулмон бўлишди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу икки улўғ кишининг мусулмон бўлганларидан ниҳоятда хурсанд бўлдилар. Бундан кейин Холид ибн Валид ва Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумо Ислom фатҳларининг энг буюк қўмондонларига айланишди.

«Ислom тарихи» биринчи китоби асосида тайёрланди